


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ



ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

Рисола

Тошкент – 2021

УЎК: 343.244.23(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

С. Ниёзова.
Судланганликни олиб ташлаш
ҳуқуқингиз бор. Рисола. –
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 25 б.

Тақризчилар: **Э.О. Турғунбоев** – Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси, юридик фанлар номзоди;
Ғ.О. Эрматов – Тошкент давлат юридик университети “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди.

Ушбу рисолани тайёрлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар расмий маълумотларидан, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, судланганлик, унинг ҳуқуқий аҳамияти, тугалланиш ва олиб ташлаш тартиби мавзусига бағишланган монографик ва бошқа нашр маълумотларидан фойдаланилди.

© Ниёзова С.С.
© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Судланганлик деганда нимани тушунализ?	5
2. Судланган шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари қандай?	8
3. Судланганлик ҳолатининг тугалланиш тартиби қандай?	11
4. Судланганлик қандай ҳолатларда олиб ташланади?	15
5. Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш тартиби қандай?	18
6. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда нималарга эътибор қаратилади?	21
Фойдаланилган адабиётлар	24

КИРИШ

Судланганлик институти бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб, инсонга қўлланилаётган жазоларнинг натижалари унинг ҳаётига қай даражада таъсир этиши билан боғлиқдир.

Судланганлик институтининг назарий ва амалий қоидаларини ўрганиб шундай хулосага келдикки, судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, ундан воз кечиш мутлақо мумкин эмас. Чунки судланганлик ҳолати:

биринчидан, кўп ҳолларда жазони ўтаб чиққан шахсларни зарур ҳолларда тарбиялаш чораларини давом эттириш имкониятини беради;

иккинчидан, жазони ўташ вақтида тўғри йўлга қайтмаган шахсларни жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам назорат қилиш ва ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олишига ёрдам бериш шароитини яратади;

учинчидан, жазодан озод бўлиб келган шахс давлат идоралари ва жамоатчиликнинг назорати остида бўлгани учун, унга яна носоз турмуш тарзига ўтиб олиш имконияти берилмаслиги мумкин;

тўртинчидан, жазодан озод бўлиб келган шахсда ишга жойлашиш ва турмушини тиклаб олишда давлат ёки жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш имконияти бўлади;

бешинчидан, шахс яна жиноят содир қилса, унинг учун қандай оғир оқибатлар келиб чиқишини билгани учун ҳам бундан ўзини асрайди. Бу ҳолатлар эса ўз-ўзидан судланганлик институтининг ҳуқуқий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур оммабоп рисолада судланганлик тушунчаси, унинг ҳуқуқий аҳамияти, тугалланиш ва олиб ташлаш тартиби, судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки олиб ташлаш муддатларини ҳисоблаш ва ушбу масалани кўриб чиқишда нималарга эътибор қаратилиши хусусида сўз юритилади.

1. СУДЛАНГАНЛИК ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?

Ҳар бир жиноят содир этган шахс, албатта, жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасига кўра, жиноий жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Суд томонидан қўлланиладиган жазо натижасида маҳкумга нисбатан қатор ҳуқуқий оқибатлар юзага келади. Бу судланганлик ҳолатидир.

Дарҳақиқат, судланганлик нима?

Судланганлик – шахс учун салбий, биринчи навбатда, жиноят-ҳуқуқий хусусиятдаги оқибатларнинг келиб чиқишини белгилаб берадиган, жазонинг муайян тури ва миқдорига ҳукм қилинишидан келиб чиққан ҳолат. У суд томонидан айбли деб топилган ва жазога ҳукм қилинган шахснинг махсус жиноий-ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Судланганлик тушунчаси амалдаги Жиноят кодексининг 77-моддаси 1-қисмида берилган бўлиб, унга кўра судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганидан келиб чиқадиغان ҳуқуқий ҳолатидир.

Ҳукм қилиш нима?

Ҳукм қилиш деганда шахснинг қилмишида жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлган аниқ жиноятни содир этишда айбдор деб топиш, шунингдек, бу шахсга нисбатан муайян тур, миқдор ёки муддатдаги жазонинг тайинланиши тушунилади.

Жазонинг тури, миқдори ёки муддати шахсни судланган деб ҳисоблаш учун аҳамиятга эга эмас, лекин бу судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланишига таъсир қилади.

Судланганликнинг моҳиятини яна нимада кўришимиз мумкин?

Биз буни жинойт-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ва жазонинг ижросига таъсир қилувчи судланганликнинг моҳиятида кўрамиз. Бу жазоловчи характерга эга бўлган ҳуқуқий чекловлар билан белгиланади.

Судланганликнинг мақсади нимадан иборат?

Судланганликнинг мақсади (жиноий жазонинг мақсади каби) шахсни ахлоқан тузатиш, жинойтларнинг олдини олишдир. Уларнинг ичида асосий эътиборни жинойтларнинг олдини олишга (!) қаратиш керак.

Кўшимча чеклашлар билан боғлиқ бўлмаган судланганлик бошқа моҳиятга ҳам эга. Чунки у синов муддатининг бир кўриниши. Агар шахс бу синов муддати давомида янги жинойт содир этмаса, судланганлик ҳеч қандай жинойт-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Бунда судланганликнинг мақсади жазолаш билан боғлиқ бўлмай, балки жинойтларнинг олдини олишга қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши судланганлик ҳолатини келтириб чиқарувчи асос ҳисобланади. Айблов ҳукми жинойт содир этишда айбли деб топилган ва жиноий жазога ҳукм этилган шахснинг алоҳида ҳуқуқий ҳолатини белгилаб, судланганликни вужудга келтиради ҳамда судланганлик бекор қилингунга қадар (олиб ташлаш ёки тугаши) бу ҳолат давом этади. Судланганликнинг бекор қилиниши билан судланганликнинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳам бекор бўлади.

Қандай ҳолларда шахс судланмаган ҳисобланади?

Бундан ташқари, жиноят қонунида шахс судланмаган ҳисобланадиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Қуйидаги ҳолда шахс судланмаган ҳисобланади:

- агар унга нисбатан жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖКнинг 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзида асосий ва қўшимча жазодан апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖКнинг 69, 75, 76-моддалари) бўлса;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖКнинг 94-моддаси).

Жиний жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланган ҳисобланадими?

Йўқ, жиний жавобгарликдан озод этилган шахс судланмаган ҳисобланади.

Қуйидаги асосларга кўра жиний жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖКнинг 64-моддаси);
- қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан (ЖКнинг 65-моддаси);
- айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖКнинг 66-моддаси);
- жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖКнинг 661-моддаси);
- жиноят содир этган шахснинг касаллиги туфайли (ЖКнинг 67-моддаси);
- амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖКнинг 68-моддаси).

Жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашгани муносабати билан судланганлик ҳолати тугатилганлигига мисол келтирамиз.

Масалан, 2017 йил 15 августда жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ажримига кўра ЖКнинг 25, 169-моддаси 1-қисми билан айбланган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тўхтатилган. Бунда судланганлик ҳолати тугалланган ҳисобланади.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлиши билан судланганлик ҳолатининг тугалланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, жиноят қонунида судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс содир қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб чиққанидан сўнг уни яна жиноят йўлига ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида уни назорат қилишдир.

2. СУДЛАНГАН ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА СУДЛАНГАНЛИКНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Судланганлик шахснинг жиноят содир қилгани учун ҳукм қилишдаги ҳуқуқий оқибати бўлиб, унинг “махсус ҳуқуқий ҳолати”ни келтириб чиқаради. Бу ҳуқуқий оқибатларни бири-биридан ажратиш мумкин эмас, уларнинг бири иккинчиси билан узвий боғлиқ.

Судланганликнинг махсус ҳуқуқий ҳолатида, жазога ҳукм қилиниб, жазони ўтаётган шахсга ўша жазо турини ўташ билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий чеклашлар мажбурий равишда татбиқ қилинади.

Бундан ташқари, шахс жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам судланганликнинг оқибатлари вужудга келади. Буни умумий ва жиноят-ҳуқуқий оқибатларга ажратиш мумкин. Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари фақат шахс янги жиноят содир қилсагина пайдо бўлади. Агар шахс бирор-бир янги жиноят содир қилмаса, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар умуман вужудга келмайди. Аммо бундай ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиш муддатлари қонун билан чегараланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетганидан кейин судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари пайдо бўлмайди ва шу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс янги жиноят қилса, биринчи марта жиноят содир этилган деб умумий асосларга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

Судланганликнинг умумий оқибатлари юзасидан қонунларда бирор-бир муддат белгиланган эмас. Судланганликнинг умумий оқибатлари шундан иборатки, шахс айрим расмий ҳужжатларни тўлдириш вақтида ўзининг олдин судланганлиги ҳақида албатта қайд қилиши керак.

Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари қачон вужудга келади?

Судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари шахснинг олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этганидагина вужудга келади. Судланганлик ҳолати жиноят-ҳуқуқий бўлмаган оқибатларни ҳам келтириб чиқаради.

Судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда келиб чиқадиган жиноят-ҳуқуқий оқибатлар қуйидагиларда ифодаланади:

– судланганлик қатор ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади;

– судланганлик муайян ҳолларда шахсни ўта хавfli рецидивист деб топилишига асос бўлади (ЖКнинг 34-моддаси);

– судланганлик, агар шахс муқаддам озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган бўлса, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш учун аҳамият касб этади (ЖКнинг 50-моддаси);

– судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади (ЖКнинг 56-моддаси);

– илгари содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда судланганлик қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади (ЖКнинг 60-моддаси);

– тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖКнинг 66-моддаси), алоҳида ҳолларда эса (оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда), жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги (ЖКнинг 66¹-моддаси) муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик қилади.

Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибати қонунда нималарни тақиқлашда ифодаланади?

Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибати жазодан озод қилиш (ЖКнинг 71-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси), вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (ЖКнинг 87-моддаси) каби чораларни қўллаш учун қонунда тақиқларни юзага келтиради.

Бундан ташқари, судланганликнинг маъмурий-ҳуқуқий оқибати ҳам мавжуд бўлиб, бу айрим тоифадаги судланганлар устидан маъмурий назорат ўрнатилишига сабаб бўлади. Яъни уларнинг муайян ҳудудларда бўлиши тақиқланади.

3. СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИНГ ТУГАЛЛАНИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Жиноят кодексида судланганлик ҳолати бекор бўлишининг иккита тури берилган, булар – судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликни олиб ташлаш. Улар алоҳида қилиб белгиланган.

Қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши билан судланганлик тамом бўлади. Жиноят кодексининг 78, 79-моддаларига мувофиқ судланганликнинг тамом бўлиши **икки шаклда намоён бўлади:**

биринчидан, судланганлик ҳолатининг ўз-ўзидан тугалланиши;
иккинчидан, судланганликнинг суд томонидан олиб ташланиши.

Қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши билан ўз-ўзидан судланганлик ҳолати тугалланган деб топилади. Бунинг учун ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши деганда, муайян муддатларнинг ўтиши билан мазкур масалага оид суднинг махсус қарори қабул қилинмасдан барча ҳуқуқий оқибатлар ва чекланишларнинг тугалланиши тушунилади. Судланганлик ҳолати тугалланганда шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Мисол учун, фуқаро З.га 2017 йил 11 мартда жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, судланганлик ҳолати тугалланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий муддатлари бўлиб, ана шу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс судланган ҳисобланади ва судланганликнинг ҳеч қандай жиноят-ҳуқуқий оқибатлари қолмайди. Агарда шахс шу муддатлар ичида янги жиноят содир қилса, бир қатор жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади.

Судланганликнинг тугалланиш муддатлари судланганлик ҳолатининг иккинчи даври сифатида қаралиши ҳам мумкин. Биринчи давр суд ҳукми қонуний кучга киргандан то жазо муддати тугагунга қадар бўлган давр бўлса, иккинчи давр жазо муддати тугагандан сўнг судланганликнинг тугалланишига қадар бўлган даврдир. Судланганликни бундай даврга ажратишимизнинг қуйидаги ҳуқуқий аҳамияти мавжуд:

биринчидан, шахс суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг жазо муддати тугагунга қадар жиноят содир этса, унга нисбатан судланганликнинг барча жиноий-ҳуқуқий оқибатлари қўлланилади. Бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинланади, қилмишни рецидив жиноят деб топишга асос

бўлади, шунингдек, бошқа ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради.

иккинчидан, судланганликнинг иккинчи даврида судланганликни жиноий-ҳуқуқий оқибатларидан бири янги жиноят содир этганда бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланмайди.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши учун қонунда қандай шартлар белгиланган?

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши учун қонунда икки шарт белгиланган:

- 1) шахс асосий ва кўшимча жазони ўтаб, озод қилинган кунидан бошлаб қонунда кўрсатилган муддатлар ўтиши талаб қилинади. Бу муддатлар ўталган жазо турига боғлиқ;
- 2) судланганлик ҳолатини тугалланган деб топиш учун шу муддатлар ичида шахснинг янги жиноятлар содир этмаслиги талаб қилинади.

Шахс судланганлик муддати ўтмасидан янги жиноят содир қилса, бу муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда судланганлик муддати янги жиноят учун тайинланган жазони ўтаган кунидан бошланади.

Мисол учун, шахс беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаса ва тўрт йиллик судланганлик муддати ўтишига икки йил қолганида янги жиноятни содир этганлиги учун унга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланса, ушбу шахснинг судланганлик муддати ахлоқ тузатиш жазосини ўтаганидан кейин тўрт йилдан сўнг тугалланган ҳисобланади.

Агар иккинчи жинояти учун судланганлик муддати биринчи жиноятига нисбатан узоқроқ бўлса, у ҳолда судланганлик муддати иккинчи жинояти учун тайинланган жазони ўтагандан кейин бошланади.

Ана шу судланганликнинг тугалланиш тартиби Жиноят кодексининг 78-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.
Шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги ҳолатларда тугалланади:
а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – синов муддати тугаган кундан бошлаб;
б) мажбурий жамоат ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларни ўтаб чиққач;
в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;
г) озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;
д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;
е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;
ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач.

Судланганлик ҳолати тугалланиши шахснинг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиши натижасида ўз-ўзидан барҳам топишини англатади.

Судланганлиги тугалланган шахсга судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги тўғрисида қандай ҳужжат берилади?

Бундай ҳолларда судланганлиги тугалланган шахс, унинг вориси, қонуний вакили ёки адвокати илтимосига кўра ҳукм

чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотнома берилади. Бунга манфаатдор шахс томонидан судга тақдим этилган ички ишлар органлари ахборот маркази маълумотномаси ва жазо ўталгани (ижро этилгани) фактини тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуининг такрорланмаганлиги ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат сифатида қаралади.

4. СУДЛАНГАНЛИК ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА ОЛИБ ТАШЛАНАДИ?

Судланганликнинг олиб ташланиши ундан келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар судланганлик ҳолати барҳам топиши учун қонунда белгиланган муддатлар ўтгунига қадар суд қарорига асосан тугатилишидир. Судланганлик олиб ташланиши учун шахснинг жазони ўтаб чиққандан кейинги бенуқсон хулқ-атвори (унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмагани), жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахснинг ўзи Жиноят кодексида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимосномаси асос бўлиши мумкин.

Қонун, суд тартибидан ташқари, амнистия акти ёки афв этиш орқали судланганликни олиб ташлаш имкониятини ҳам назарда тутати.

Мисол учун, фуқаро М.га 2016 йил 13 сентябрда жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг ажримига кўра ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28, 211-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари, 28, 211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг

2016 йил 12 декабрдаги “..амнистия тўғрисида”ги қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган, ЖКнинг 77-моддасига асосан судланмаган деб ҳисобланади.

Судланганликнинг олиб ташланиши қонунда кўрсатилган судланганликнинг тугалланиш муддати ўтмасдан бекор қилинишидир. ЖКнинг 79-моддасида судланганликни олиб ташлаш тартиби белгиланган. Судланганликнинг олиб ташланиши суд томонидан унинг ажрими асосида ёхуд тегишли авф этиш ёки амнистия акти асосида амалга оширилади. Бунда шунини инобатга олиш керакки, фақат озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан судланганлик олиб ташланиши мумкин.

Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномага кўра суд Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги, улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланиб, ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлик факти ва унинг учун

судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар қатъиян ва, сўзсиз, бекор бўлади.

Судланганлик ҳолати олиб ташланиши шахсни реабилитация қилиш деганими?

Йўқ, судланганлик ҳолати олиб ташланиши шахсни реабилитация қилишдан фарқланади. Шахс реабилитация қилинганда, давлат у жиноят содир этганликда хато айбдор деб топилганини тан олади.

Судланганлик ҳолати олиб ташланганда шахс томонидан жиноят содир этилганлик факти инкор этилмай, фақат жиний жавобгарликка тортиш оқибатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Яна қандай ҳолатларда судланганлик ҳолати олиб ташланади?

Бундан ташқари, қилмишнинг жинийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлган тақдирда ҳам судланганлик ҳолати олиб ташланиши мумкин.

Шу муносабат билан, агар суриштирув, дастлабки тергов олиб борилаётган, иш судда кўрилаётган ёки шахс жазо ўтаётган даврда унинг томонидан содир этилган қилмиш жинийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинса, шахс жиний жавобгарлик ва жазодан озод қилинади ҳамда қилмиш жинийлигини бекор қилган қонун кучга кирган пайтдан судланмаган ҳисобланади. Мазкур қоида жазони ўтаб бўлган, бироқ судланганлик ҳолатида бўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

5. СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИНГ ТУГАЛЛАНИШ ЁКИ СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ МУДДАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Судланганликнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатлари келиб чиқадиган муддатлар қонун билан муайян чегараларда белгиланган бўлиб, бу муддатлар суд томонидан тайинланган жазо тури ва муддатлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар судланганликнинг жиноий-ҳуқуқий муддатлари бўлиб, ана шу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс судланмаган ҳисобланади ва судланганликнинг ҳеч қандай жиноий-ҳуқуқий оқибатлари қолмайди. Агарда шахс шу муддатлар ичида янги жиноят содир қилса, бир қатор жиноий-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади. Судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар Жиноят кодексининг 44, 46-моддалари асосида ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш

муддати охирги содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатларини (ЖКнинг 78, 80-моддалари) ҳисоблаш асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки синов муддати ўтиб бўлган кундан бошланади.

Масалан, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига қўшимча сифатида муайян мансабни эгаллаш ёки бирор фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бу жазо қайд этилган асосий жазоларни ўташнинг барча вақтига татбиқ этилиб, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Жарима ёки ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, бошқа жазо турига алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати:

– озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач;

– беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач;

– беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач;

– ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтиши билан тугалланади.

Бундай ҳолда судланганлик ҳолати муддатининг тугаши ЖКнинг 80-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ЖКнинг 44-моддаси учинчи қисми ёки ЖКнинг 46-моддаси тўртинчи қисмига кўра белгиланган жазо тури ўталган кундан бошлаб ҳисобланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши масаласини ҳал этишда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтга қадар амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиқиш лозим.

Бунда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган пайтдан, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан эса жазо енгилроғи билан алмаштирилиб, енгилроқ жазо ўталган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби яна қандай шахсларга қўлланилади?

Судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби (амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиққан ҳолда жазо ўтаб бўлинган ёки жазони ўташдан озод қилинган пайтдан бошлаб) енгилроқ жазони назарда тутувчи янги қонун нормасига асосан жазоси қисқартирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати муддати тугамай туриб яна жиноят содир этган ҳолларда, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат тўхтатилади.

Судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати муддати шахс янги жиноят учун тайинланган

жазони ўтаб бўлгандан сўнг янгидан ўтай бошлайди, судланганлик ҳолати ўтаётган даврда содир этилган янги жиноят учун тайинланган жазо оғирроқ бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати янги жиноят учун тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

Жиноят қонуни мазмунига кўра, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо билан, шу жумладан бир неча жиноятлар учун (жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича) тайинланган жазо билан бевосита боғлиқ. Шахсга жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича (ЖКнинг 59, 60-моддалари) жазо белгилашда барча қилмишларнинг оғирлигини инобатга олиб, узил-кесил жазо тайинланиши туфайли, бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати узил-кесил жазо тури ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим.

Айни пайтда, агар жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича суд томонидан ҳар хил турдаги, ҳар қайсиси алоҳида ижро этиладиган жазо (ЖКнинг 61-моддасининг иккинчи қисми) тайинланган бўлса, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо тизимида (ЖКнинг 43-моддаси) назарда тутилган оғирроқ жазо муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

6. СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИ?

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланиши муддатларини тўғри ҳисоблаш учун судланувчининг шахсига оид маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ишни судда кўриш учун тайинлаш чоғида судлар иш материалларида ички ишлар органларининг ахборот маркази, шу жумладан судланувчининг туғилган ва доимий яшаш жойидан олинган маълумотномалар мавжудлигини

текшириши, судланувчига нисбатан муқаддам чиқарилган ҳукмлар, муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва ҳоказолар тўғрисидаги ажримларни талаб қилиб олиши ва синчиклаб ўрганиб чиқиши шарт.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома кимга ва қандай тартибда берилади?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 544-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахс яшаш жойидаги туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш масаласи қандай ҳал этилади?

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш масаласини ҳал этишда суд судланганлик ҳолати мавжуд шахснинг қонунга итоаткор турмуш тарзини тасдиқловчи ҳолатлари (ҳуқуқбузарлик мавжуд эмаслиги, жазо ўташдан озод қилингандан кейинги хулқ-атвори, ишлаш ва яшаш жойидан ижобий тавсифномалар, ички ишлар органи ахборот маркази маълумотномаси мавжудлиги ва ҳоказолар)ни аниқлаши зарур.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахс суд мажлисида қатнашиши шарт. У ҳимоячи олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан берилган бўлса, уларнинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тақдим қилинган илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади. Сўнг судья судда ҳозир бўлганларнинг фикрларини эшитади ва ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин киритилиши мумкин.

Яъни судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисида такрорий илтимоснома уни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги ажрим ҳукм чиқарган судга ва ички ишлар органларининг ахборот марказига юборилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2019 йил) // www.lex.uz/
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // www.lex.uz/
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: Расмий нашр. – Тошкент, 2019. – Б. 672.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 528.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда.
6. Усмоналиев М. Судланганлик, унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 14.
7. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 662.
8. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. – Т.: “Илм зиё” нашриёти, 2011. – 2-том. – Б. 227.

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

СУДЛАНГАНЛИКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

Рисола

Масъул муҳаррир: Ҳ. Салоева

Муҳаррир: С. Тошева

Техник муҳаррир: У. Сапиев

Компьютерди саҳифаловчи: Д. Ражапов

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.

Ҳажми: 1.5 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 27.

Тошкент давлат юридик университети

Типография бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.